

Хондамир номи билан танилган Хўжа Гиёсиддин ибн Хўжа Хумомиддин Мухаммад бин Хўжа Жалолуддин ибн Бурхонуддин Мухаммад Шерозий 880/1475 йилда Хиротда дунёга келди. У ёшлигидан солнома ва тарихий асарлар ўқишга кизикади. Тез орада тарих, адабиёт ва бошқа ижтимоий фанлар бўйича чуқур ва кенг билимлар сохиби бўлиб, ўз даврининг улкан олими сифатида танилади. Албатта, унинг билимдон тарихчи олим бўлиб етишишида она томондан бобоси Мирхонд катта роль ўйнади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий эса, унинг тарих фанига бўлган ихлос ва садокатидан хабар топгач, уни маънавий қўллаб-қувватлаб турди. Унга ўзининг шахсий кутубхонасидан фойдаланишга рухсат бериб, унинг илмий ишларида раҳномалик қилиб турди. Навоий ва Хондамир ўртасида самимий ва илик, ота-болага хос муносабат мавжуд бўлган. Улуг шоир кўрсатган хомийлиги ва меҳрибонлиги учун Хондамир унга атаб миннатдорчилик юзасидан ўзининг "Маосиру-л-мулук" (904/1499 й.) асарини ёзди.

Тарихчи олим Хондамир 909/1503 йилдан бошлаб мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётида фаол катнаша бошлади. Тахминан ўша йилда Бадиъ-уз-Замон мулозаматида бўлиб, кўпгина юришларида унга хамрохлик қилди ҳамда унинг давлат аҳамиятига молик дипломатик топшириқларини бажарди. Тухфайи Сом Мирзода келтирилишича, Бадиъ-уз-Замон яхшигина шеърлар ҳам битган¹.

Афсуски, олимнинг ҳаёти ўта тахликали даврга — темурийларнинг инкирози, Султон Мухаммад Шайбоний, Захируддин Мухаммад Бобур ва шох Исмоил Сафавийнинг сулолаларининг ташкил топаётган пайтига тўғри келди.

Дунёнинг калтис ва тахдикали воқеа-ҳодисаларига қарамасдан, форсий-дарий тилида ўн учта асар ёзиб, катта мерос қолдирди. Лекин улардан фақат саккизтаси бизгача етиб келган².

"Маосиру-л-мулук"

"Хулосату-л-ахбор"

"Макориму-л-ахлоу"

"Дастуру-л-вузаро"

"Номаи номи"

"Равзату-с-сафо"нинг еттинчи жилди,

"Хабибу-с-сияр"

"Хумоюннома"

Бу асарлар орасида ҳажм жиҳатидан анча катта ва салмоқлиси — "Хабибу-с-сияр" дир. Бу асар 1520—1523 йилларда ёзилиб, унда жаҳон тарихи ўша давр услуби, яъни адабий-тарихий тарзда акс этган ва ўша даврдаги илм-фанларнинг энг илгор ютуғлари мужассамлашган.

Хондамирнинг "Хабибу-с-сияр" асари муқаддима (ифтиҳ) ва хотимадан (ихтимом) ташқари, уч жилддан ташкил топган бўлиб, ҳар бир жилди тўрт бобдан (жузъ) иборатдир, ўзининг тили билан айтганда, "жамий ўн икки ўрамдан" иборат бўлиб, ҳар тўрт ўрами бир катта жилд сифатида тартиб берилган³.

а) Мукаддима ёки ифтихор: Биринчи махлуқот (мавжудот) зикри; хотима ёки ихтимом; аҳоли яшайдиган ер шаридаги (рубъи маскун) ажойиботлар, яъни жуғрофия ва масолику-мамолик китоби;

Биринчи жилди исломдан олдин ва исломнинг пайдо бўлиши, рошидин халифаларининг аҳоли тўрт фаслда берилган:

- 1) анбиё ва ҳукамо;
- 2) қадимги араб моликлари ва подшоҳлари;
- 3) анбиёларнинг тугатилиш тарихи;
- 4) рошидин халифалари.

Иккинчи жилди имомлар манокиби зикри, Уммавий ва Аббосий халифалар ва уларга замондош султонлар тарихи тўрт бобда:

- 1) мукаддас имомлар афзаллиги;
- 2) Уммавий ҳукмронлар;
- 3) Аббосий халифалар;
- 4) Умавий ва аббосийларга замондош бўлган султонлар.

Учинчи жилди Аббосий халифалардан кейинги султон ва ҳокимлар тарихидан иборат бўлиб, мўғуллар, Амир Темур ва бошқа сулолалар тарихини то сафавийлар давригача қамраб олган, у ҳам тўрт бобдан иборат:

- 1) Мўғуллар ҳокимияти ва уларнинг авлоди;
- 2) Мўғуллар давридаги султонлар, чунончи Форс, Луристон ва бошқа юртларнинг отабеклари;
- 3) темурийлар даври ва унинг меросхўрлари, ўша даврга замондош султонлардан то сафавийлар давлатининг ташкил топишигача;
- 4) Сафавий давлатининг ташкил топиши, шох Исмоилнинг то 930 х.й.нинг рабиъу-л-аввал ойигача бўлган тарихидан иборат.

"Хабибу-с-сияр" 927/1521 йилда Хиротнинг саййидларидан бўлмиш Гиёсиддин Амир Мухаммад ибн Амир Юсуф Хусайний шарафига таълиф этилган. Китобнинг биринчи жилди ёзилган ҳам эдики, Хиротда тўс-тўполон ва бош-бошдоклик бошланиб кетди. Мир Гиёсиддин ўша йили 56 ёшида ички душманлар (уларнинг бошлиғи Хирот ҳокими Амирхон эди) томонидан ўлдирилди. Натижада "Хабибу-с-сияр"нинг ёзилиши тўхтаб қолди.

Бироз муддат ўтгач, Хиротда вазият анча юмшади ва Хуросонга Дурмишхон ҳукмрон этиб тайинланди, вазирлик эса Каримуддин Хўжа Хабибуллох Соважийга берилди. Хондамир ўз асарини ана шу вазир — Хўжа Хабибуллохнинг ҳомийлиги ва ташвиқи билан давом эттирди ва уни 930/ 1524 йилда, яъни 3 йилу 8 ойда ёзиб тугатди. Китобдаги асосий, энг катта қисмнинг ёзилишига Хўжа Хабибуллох сабаб бўлганлиги учун Хондамир китобни "Хабибу-с-сияр фи ахбори-л-башар" ("Башар тарихида севимли дўстнинг тақдири") деб атади. Асардаги шеърларнинг кўпчилиги муаллиф томонидан ёзилган. Китоб охирида Хондамир ёзади:

Шукурки ин нома ба унвон расид, Пештар аз умр ба поён расид. (Мазмуни: Шукурлар бўлсинки, бу тарихга шундай ном берилди ва у умр тугашидан олдин поёнига етди).

Шундай улуг инсон 934/1527 йилгача Хиротда турди, сўнгра Хиндистонга сафар килиб, 942/1535 йили у ерда вафот этди. "Тарихи фаришта"да ёзилишича, ўзининг васиятига кўра, Хўжа Низомиддин Авлиё мазорида Амир Хусрав Дехлавийнинг кабри якинига дафн этилди.

Хондамир "Хабибу-с-сияр" асарини ёзишда, Утбий, Улугбек, Хофиз Абру, Абдураззок Самаркандий, Шарафуддин Али Яздий каби улкан тарихнависларнинг асарларидан фойдаланган. Уларнинг бахсли ўринларини ўзига хос услубда назокат билан "кайта тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд" деб кўрсатади.

"Хабибу-с-сияр" жуда кенг тарқалган асар ҳисобланиб, ҳозирги пайтда Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида унинг турли йилларда кўчирилган ўн тўртга яқин кўлёзма нусхалари сақланмоқда. Мазкур нусхаларнинг энг қадимгиси 956/1549 йилда, энг сўнггиси эса XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган⁴.

Бу асар 1337/1954 йили Техронда типография усулида Жалолуддин Хумоий томонидан босилиб чиқди, бироқ бунда туркийча исмлар, жой номлари борасида анча камчиликлар мавжуд. Шунинг учун биз шарқшунослик институти кўлёзмалар фондида № 2153-ашёвий ракам билан сақланаётган кўлёзмадан фойдаландик. Тўлиқ бўлган ушбу нусха чиройли настаълик хатида битилган, матнлар тилло ранг ва рангли чизиклар билан ром ичига олинган. Асарнинг биринчи жилди Хўжа Али ибн Миракайи Самаркандий томонидан 1026/1617 йилда, учинчи жилди 1003/1595 йилда кўчирилган. Иккинчи жилднинг кўчирилган йили ва хаттоти кўрсатилмаган.

1880 йилда мазкур асарнинг учинчи жилдидан киска бир парча ўзбек тилида баён килинган.

Ушбу асар ҳам № 1716-ашёвий ракам билан шарқшунослик институти фондида сақланмоқда, бироқ мазкур асар эски ўзбек ёзуви ва тилида ёзилганлиги учун бугунги китобхоннинг уни тушуниши амри маҳол.

Жалил ХАЗРАТКУЛОВ, ЎзР ФА Шарқшунослик институти, етакчи илмий ходим

- 1 Сафавий, Сом Мирзо. Тухфайи Сомий. Вахид Дастгардий таҳрири остида. — Текрон, йили кўрсатилмаган.
- 2 Юсупова Д., Жизнь и труды Хондамира. —Ташкент, "Фан", 2006. —С.4.
- 3 Мазкур асар. — Б. 82.
- 4 Мазкур асар. — Б. 83